

Сатторов Эркинбай Ниязметович,
психология фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси бўлим бошлиғи

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

УДК: 331.108

САТТОРОВ Э.Н. ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ ТИЗИМИДА КАДРЛАР ЗАХИРАСИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада давлат фуқаролик хизмати/прокуратура тизимида кадрлар захирасини шакллантириши замонавий ёндашув орқали ташкил этишнинг асосий жиҳатлари таҳлил этилган. Бунда илмий асосланган концепцияга таяниш кераклиги, ушбу концепциянинг структураси, мазмуни, ишлаш моҳияти кенг очиб берилган. Мақолада жаҳон илфор тажрибасига асосланилган ҳолда раҳбар кадрлар захираси эга бўлиши керак бўлган компетенциялар, уларни баҳолаш методлари, баҳолашда ягона баҳолаш шкаласини қўллаш тартиби, кадрлар захираси гуруҳлари масалалари муҳокама қилинган.

Таянч сўз ва тушунчалар: компетенция, касбий компетенциялар, лидерлик компетенциялар, шахс сифатлари, экстремал компетенциялар, компетенцияларни баҳолаш методлари, гуруҳларга тақсимлаш модели.

САТТОРОВ Э.Н. АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ РЕЗЕРВА КАДРОВ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЫ

В данной статье на основе современного подхода анализируются основные особенности формирования кадрового резерва в системе государственной гражданской службы/прокуратуры. В ней раскрыты обоснование необходимости научно обоснованной концепции, структура данной концепции, смысл и особенности работы на основе данной концепции. Также в статье на основе передового мирового опыта рассмотрены такие вопросы, как основные компетенции, которыми должен владеть кадровый резерв, методы оценки этих компетенций, правила применения единой оценочной шкалы, распределение кадрового резерва в группы.

Ключевые слова и понятия: компетенция, профессиональные компетенции, компетенции лидерства, личностные качества, экстремальные компетенции, методы оценки компетенций, модель распределения в группы.

SATTAROV E.N. CURRENT ISSUES OF PERSONNEL RESERVE FORMATION IN THE SYSTEM OF PUBLIC CIVIL SERVICE

In the article, on the basis of a modern approach, the main features of talent pool formation in the system of the state civil service / prosecutor's office are analyzed. It reveals the need to be based on a scientifically grounded concept, the structure of this concept, the meaning and features of work based on this concept. Also, in the article, on the basis of advanced world experience, such issues as the main competencies that the talent pool should possess, methods for assessing these competencies, the rules for applying a single rating scale, and the distribution of the talent pool into groups are discussed.

Key words and concepts: competence, professional competencies, leadership competencies, personal qualities, extreme competencies, methods for assessing competencies, a model of distribution into groups

Кириш.

Давлат фуқаролик хизматида кадрлар захираси давлат органларининг юқори малакали, маҳоратли кадрлар таркибини шакллантириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Кадрлар захираси фуқаролик хизматчиларининг ўз қасбий ва шахсий сифатлари кадрлар захирасини шакллантириш жараёнида юқори баҳо олиши туфайли нафақат лавозимда ўсишига, балки энг маҳоратли фуқароларнинг излаб топилишига олиб келади. Бундай ходимлар бўш лавозимларга тайинлаганда, улар эга бўлган билим, тажриба, кўникма ва малакалар орқали давлат органи фаолияти энг самарали ва сифатли амалга оширилиши имкони яратилган бўлади. Муваффақиятли шакллантирилган кадрлар захираси бўш ўринлар юзага келганда давлат фуқаролик хизмати лавозимларини ўз вақтида тўлдириш имкониятини берадики, ташкилот ишининг самарали бўлишида бунинг аҳамияти жуда катта.

Кадрлар сиёсатини такомиллаштиришнинг турли йўналишлари орасида прокуратура органларини, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига максимал даражада лойиқ бўлган мутахассислар билан тўлдириш, малакали кадрларни танлаш, иккинчи томондан, уларни прокуратура органлари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ходимнинг қобилияtlарини, мойилликларини, индивидуал ҳусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда рационал жойжойига қўйиш; раҳбарлик лавозимларига захирани энг истиқболли ходимлар орасидан шакллантириш марказий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифаларни ечимини топишда прокуратура органларига номзодларни танлаб олишда ва уларни лавозимларга кўтаришда иммий асосланган психологик баҳолаш тизими сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин.

Муаммонинг долзарблиги.

Прокуратура органларида психологик баҳолашнинг зарурияти мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларга жалб қилинган прокурор ходимнинг психологик сифатларига, шахс ҳусусиятларига юқори талаблар қўядиган прокурорликтергов фаолиятининг ўзига хос ҳусусияти билан; ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида йўл қўйиладиган хатолар натижасида фуқароларнинг, давлат, жамоат, хўжалик ташкилотларининг қонуний манфаатлари чеклаб қўйилишига олиб келадиган оқибатларнинг оғирлиги билан асосланади. Касбий психологик танловнинг муҳимлиги,

шунингдек, олий юридик маълумотли мутахассисларни тайёрлаш жараёнига анча катта моддий сарф-харажатлар кетиши билан, бу мутахассисларнинг бир қисми қасбий нолойиқлиги, шунингдек, психологик сабабларга кўра прокуратура органларидан ишдан бўшаб кетаётганлиги ҳолатларининг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Бу эса кадрлар захирасини шакллантириш ишига иммий асосланган концептуал-психологик ёндашишни татбиқ этиш шу кунда энг **долзарб масалалардан** бири эканлигини белгилаб беради.

Мақоланинг илмий моҳияти.

Илмий тадқиқотимизда замонавий бошқарувнинг жаҳондаги илғор амалиётлари бенчмаркинг технологиясига таянилган ҳолда иммий ўрганиш натижаси сифатида мамлакатимиз ҳусусиятларига мос келадиган тартибда тизимлаштирилди ва шунга асосан давлат фуқаролик хизмати тизимида кадрлар захираси билан ишлаш бўйича муаллифлик концепцияси ишлаб чиқилди. Ушбу мақолада дунёning ривожланган мамлакатлари давлат бошқарувида етакчи бўлган компетенциявий ёндашувга асосланган муаллифлик концепциясининг Ўзбекистон прокуратуроси тизимида кадрлар захираси билан ишлашга таклиф ва татбиқ этилган жиҳатлари ёритилган.

Кадрлар захирасини шакллантириш, айниқса давлат фуқаролик хизмати соҳасида, иммий асосланган концепцияга таяниши керак. Таклиф этилаётган муаллифлик **концепцияси** қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Мақсадлар ва тамойиллар.
- Компетенциялар модели.
- Компетенцияларни баҳолаш методлари.
- Кадрлар захираси гуруҳлари.

А. Кадрлар захирасини шакллантириш мақсадлари ва тамойиллари.

Фуқаролик хизматида кадрлар захирасини шакллантиришнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг фуқаролик хизматига киришдаги тенглигини таъминлаш;
- фуқаролик хизматидаги лавозимларни ўз вақтида тўлдириш;
- фуқаролик хизматининг юқори малакали, маҳоратли кадрлар таркибини шакллантиришга кўмаклашиш;
- фуқаролик хизматчиларининг лавозим поғоналарида ўсишига кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кадрлар захирасини шакллантиришда қўйидаги тамойилларга таянилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843 сонли фарменинг¹ 2-бандида профессионал тайёрланган самарали кадрлар захирасини шакллантириш давлат фуқаролик хизматининг устувор йўналиши сифатида белгиланган.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843 сонли фарменинг² 2-бандида касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва объектив баҳолаш асосида энг муносаб ва қобилияти шахсларни давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи меритократия³ тамоилини қўллашнинг асосий талаб сифатида белгиланганиги Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фуқаролик хизматига киришдаги тенг ҳуқуқлилиги ва фуқаролик хизматчиларининг лавозим поғоналарида ўсишига бўлган конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширилишини таъминлаб беради.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4472 сонли Қарорининг⁴ 1-бандига асосан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843 сонли Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843 сонли Фармони.

³ Ижтимоий мавқеидан қатъи назар, энг истеъоддли ва истиқболли шахсларни давлат бошқарувига танлаш ва жой-жойига қўйиш тизими (Таҳр.).

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4472 сонли Қарори.

кадрлар захираси билан ишлаш тартибини белгилаб берадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

4. Давлат органининг кадрлар захира-сига киритиш қўйидагича амалга оширилади: 1) фуқаролар конкурс натижаларига кўра киритилади, бунда ушбу фуқароларнинг фуқаролик хизматидаги бўш ўринни тўлдириш учун захира-га киритишга розилиги ҳисобга олинади; 2) фуқаролик хизматчилари фуқаролик хизматидаги бўш лавозимни тўлдириш учун лавозим поғонасида ўсиш тартибида; 3) аттестация натижаларига кўра, фуқаролик хизматидан бўшатилган ходимлар бўш ўрнига кадрлар захирасига киритилган ходимнинг розилигига кўра.

5. Прокуратура органларида хизматга номзодларнинг, прокуратура органларида бошқарув лавозимларига номзодларнинг касбий лойиқлигини прогноз қилиш учун ишлаб чиқладиган психологияк баҳолаш тизими бу тизимга қўйиладиган қўйидаги илмий ва амалий талабларни қондириши керак:

а) олинадиган натижаларнинг валидлигини ва ишончлилигини, конкрет номзодларнинг касбий муваффақиятлилигини прогноз қилишнинг аниқлигини таъминлайдиган илмий асосланганлик;

б) тизимнинг юқори даражадаги ишончлилиги, бузилиб қолишлардан, тасодифий ва доимий хатолардан ҳимояланганлиги;

в) номзодларни уларнинг касбий лойиқлиги даражасига кўра тақсимлаш имконини берувчи юқори даражадаги селективлик имконияти;

г) баҳолаш тизими конкрет ташкилий, моддий, молиявий ва бошқа талаб ва шароитларга, вақтнчалик ресурсларга жавоб бериши керакки, амалиётда прокуратура органларида психологик баҳолаш шуларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади (яъни, ушбу тизим прокурор ходимларнинг, хизматга ва раҳбарлик лавозимларига номзодларнинг касбий яроқлилигини психологик мезонлар бўйича прогноз қилиш талаб этиладиган кадрлар билан олиб бориладиган тадбирлар турларига осон "қўшилиб кетиши" керак).

6. Методологик тамоиллар: прокурорлар, терговчилар ва прокуратура органлари раҳбарлари ишларини таҳлил қилишга тизимли ва фаолиятли ёндашувлар; ижрочи касбий фаолияти ва шахсининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро асосланганлиги; прокурорлик –тергов фаолиятининг, прокуратура органлари раҳбарлари фаолиятининг

психологик хусусиятлари, мазмуни ва тузилмасини таҳлил қилишда турли хил илмий ёндашувлар доирасида шакллантирилган тасаввурлар ривожланишини аниқлаш имконини берувчи тарихий ёндашув.

7. Тадқиқотда қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун психологиянинг турли соҳаларида ишлаб чиқилган тушунчалар, категориялар, тамойилларни жалб қилиш. Илмий тадқиқотимизда фаол қўлланилган мазкур методологик тамойили янада кенгроқ муҳокамани ва асословни талаб этади.

8. Номзоднинг касбий яроқлилиги иккита хусусиятдан ташкил топади: а) касбий фаолиятнинг муваффақиятлилиги, б) шахсий-касбий ривожланиш потенциали.

9. Стандартлаштирилган ва стандартлаштирилмаган методлар баҳолаш методлари бўлиб хизмат қиласди.

10. Ҳар бир компетенцияни баҳолаш "фаолият муваффақиятлилиги" ва "шахсий-касбий салоҳият" кўрсаткичлари учун алоҳида 7 баллик (1 дан 7 гача) шкала бўйича амалга оширилади.

11. Объективлик, мустақиллик.

12. Номзод тўғрисида маълумотларни турли хил манбалардан тўплаш.

13. Номзодларга баҳо берувчилар томонидан объектив баҳо берилиши.

В. Компетенциялар модели.

Прокуратура органларида хизматга номзодлар, прокуратура органларига раҳбарлик лавозимларига даъвогарларнинг касбий яроқлилигини прогноз қилиш учун психологик баҳолаш тизими қўйидаги функционал ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топади:

а) прокуратура органлари прокурор-терговчи, раҳбар ходимларининг фаолияти профессиограммаси, у ушбу меҳнат тури хусусиятларини психологик таҳлил қилиш нуқтаи назаридан энг аҳамиятли бешта блокни (касбий фаолият ва қабул қилинадиган қарорларнинг қаттиқ ҳуқуқий регламентлилиги; касбий ваколатларнинг ҳукмронлик, мажбурий характеристи; касбий фаолиятнинг экстремал характеристи; касбий фаолиятнинг ижодий, ностандарт характеристи, ечилаётган вазифаларнинг ранг-баранглиги; терговчи, прокурор, прокуратура органлари раҳбарларининг процессуал мустақиллиги ва ўз хатти-ҳаракатлари ва қабул қиласдиган қарорлари учун юқори персонал жавобгарлиги) ҳамда тўртта структуравий компонент – касбий фаолиятнинг нисбатан

мустақил бўлган таг тизимлари (билиш, коммуникатив, ташкилий-бошқарув ва тарбиявий);

б) касбий жиҳатдан муваффақиятли прокурорлар, терговчилар, прокуратура органлари раҳбарларининг психограммаси, у сифатлар – касбий лойиқлик омилларининг бешта блоки (прокурор, терговчи, прокуратура органлари раҳбарлари шахси ижтимоийлашувининг юқори даражаси; ривожланган билиш қобилиятлари; юқори даражадаги эмоционал-иродавий барқарорлик; ривожланган коммуникатив қобилиятлар; прокурор-терговчи ходимлар, прокуратура органлари раҳбарларининг яққол ифодаланган ташкилотчилик қобилиятлари);

в) психограммада ифодаланган сифатларни эмпирик ташхислаш имконини берувчи психодиагностик методлар ва методикалар комплексини ва аниқ, ўлчаш имконини берадиган даражагача операциялар кўринишига келтирилган белгилар;

г) лавозимга номзодларни бирламчи психологик ўрганиш маълумотларини уларнинг касбий яроқлилигини интеграл баҳога олиб келадиган умумлаштириш йўллари ва усувлари.

Таклиф этилаётган моделда асосий ҳисобланган тушунчаларни биз қуидаги мазмунларда қабул қиласдиган изборларни берадиган тартифларни берадиган умумлаштириш йўллари ва усувлари.

Компетенциялар – бу қўйилган вазифаларни самарали бажариш учун зарур бўлган малакалар, билимлар ва тажриба комбинациясидан иборат бўлиб, унинг таркибида функционал компетенциялар (ишни бажаришда зарур бўлган техник экспертизага тааллуқли билимлар ва малакалар), бошқарув компетенциялари (режалаштириш, ташкиллаштириш ва ресурслардан фойдаланиш учун зарур бўлган билимлар ва малакалар), коммуникатив компетенциялар (атрофдагилар билан ўзаро муносабатлар учун зарур бўлган билимлар ва малакалар, фундаметал концепциялар (режалаштириш ва мавҳум даражада тафаккур қилиш учун зарур бўлган билим ва малакалар) мавжуд¹.

Ушбу моделда қўлланилган компетенциялар 4 та гуруҳга бирлаштирилган: а) касбий, б) етак-

¹ Бояцис Р. Компетентный менеджер /Р.Бояцис. - М.: НИРРО, 2008.

Емельянова О.В., Емельянов Ю.П. Акмеологический подход к подготовке управленческих кадров (на примере Президентской программы подготовки управленческих кадров) // Вестник КемГУ. 2015. № 4-2 (64).

Половова И.Е. Компетентностный подход: разработка корпоративной модели компетентностей / И.Е.Половова. - М.: ГУ-ВШЭ, 2009.

Спенсер Л.М. Компетенции на работе. Модели максимальной эффективности на работе / Л.М.Спенсер, С.М.Спенсер; пер. с англ. - М.: НИРРО, 2005.

чилик, в) шахс сифатлари, г) экстремал компетенциялар.

Касбий компетенциялар дифференциал-психологик ёндашув контекстида аниқ тарихий даврда жамиятда қабул қилинган меъёрлар, стандартлар ва талабларга мос равишда касбий функцияларни бажаришга бўлган қобилият ва тайёрликни белгилаб берувчи интеграл касбий-шахсий тавсифнома сифатида таърифланиши мумкин¹.

Лидерлик компетенциялари (ёки лидерлик) – бу раҳбарнинг хоҳланилган ва зарурий келажакни (тасаввурда яратиш орқали) шакллантириш, бошқа одамларни руҳлантириш ва мотивациялаш (коммуникация жараёнида намоён бўлади) ва уларнинг хулқ-атвори ҳамда эътиқодларига таъсир кўрсатиш қобилиятидир. Лидернинг бошқа компетенциялари орасида: командани ташкил қила олиш ва унинг ишини қўллаб-куватлаб турла олиш кўнинмалари; ходимларни мотивлаштириш ва уларга ваколатларни бера олиш кўнинмалари; ходимларни ривожлантириш ва ўқитиш; зиддиятларни ечиш компетенциялари фарқланади².

Шахс сифатлари – бу шахснинг мураккаб ижтимоий ва биологик асосланган структуравий компонентлари бўлиб, у ўз ичига психик жараёнларни, хусусиятларни, тузилмаларни, турғун ҳолатларни ва ижтимоий ҳамда табиий мұхитда шахсни олдиндан белгилаб берадиган турғун хулқ-атворини қамраб олади.

Экстремал компетенциялар деганда шахс (раҳбар)нинг касбий вазифаларни муваффақиятли ва хавфсиз даражада бажаришга ва / ёки экстремал шароитларда ва вазиятларда ўзининг яхлитлигини сақлашга бўлган интилиш ва қобилиятда намоён бўладиган индивидуал сифати тушунилади. Экстремал компетенциялар қатор компетенцияларда амалга оширилиб, уларни асосий ҳисобланган учта: экстремал вазиятларда ўз-ўзини белгилаш билан боғлиқ бўлган ва фаолият шароитларида ўзгариб турадиган компетенциялар; тартибга солиб туриш (регуляция) компетенциялари; экстремал вазиятлар ва экстремал шароитларда

¹ Барышникова И. Е. Профессиональная компетентность: виды, структура и современные подходы // Вестник ЛГУ им. А.С. Пушкина. 2012. № 3.

² Ерофеев А.К. Авторские технологии разработки моделей компетенций / А.К. Ерофеев, Т.Ю.Базаров // Организационная психология. - 2014. - Т.4, N4. С. 74-92.

Овчинников А.В. О классификации компетенций / А. В.Овчинников // Организационная психология. 2014. Т.4, N 4. - С.145-153.

ўз-ўзини бошқариб, тартибга солиб турувчи компетенциялар гуруҳига бирлаштириш мумкин³.

Биринчи жадвалда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар захирасига номзодларнинг компетенциялари моделлари келтирилган. Ушбу компетенциялар рўйхати муаллиф томонидан ўтказилган тадқиқотда прокуратура органдарида раҳбарлик лавозимларида (Бош прокуратура бошқармалари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, туман, шаҳар прокурорлари) фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларнинг жавобларида олинган натижаларга асосланган.

C. Компетенцияларни баҳолаш методлари.

Баҳолаш методлари стандартлаштирилган (сўровномалар ва тестлар) ва стандартлаштирилмаган (раҳбар томонидан характеристика бериш, ишчанлик ўйинларидағи хулқ-атвор, сұхбатлашиш) методларни ўз ичига олади.

Раҳбар томонидан лавозимга кадрлар захирасига номзодга бериладиган тавсиф (эксперт баҳолаш ва тавсиянома) қуйидаги саволларга жавоб бериши керак:

А) Номзоднинг касбий мулоқоти ва ўзаро муносабатларига баҳо беринг.

Б) Номзоднинг лидерлик қобилиятлари ва имкониятларига баҳо беринг.

В) Номзоднинг шахс сифатларига (ўз-ўзини бошқара олиши, тажрибага, янгиликка нисбатан муносабатига) баҳо беринг.

Г) Номзоднинг экстремал вазиятдаги хусусиятларига (экстремал вазиятда қарор қабул қилиши, жавобгарликни ўз зиммасига ола билиши) баҳо беринг.

Сұхбат (баҳоловчи интервью) – бу номзоднинг эксперtlар саволларига берадиган жавобларига ва сұхбат жараёнидаги унинг хулқ-атворига асосланадиган баҳолаш методи ҳисобланади.

Сұхбат (баҳоловчи интервью) учун саволлар:

А) Ўз ишингизни назорат қилиш учун кўллайдиган мезонларингизни айтиб беринг.

Б) Ходимларингизни ишини назорат қилишда кўллайдиган мезонларингизни айтиб беринг.

В) Қандай янги билимларни ўзлаштиришга интиласиз?

Г) Охирги уч йил давомида қандай қисса муддатли ва узоқ муддатли мақсадлар қўйдингиз ва уларга эришдингиз?

³ Погорелов А.Г. Экстремальная компетентность в профессиональной деятельности // Известия ЮФУ. Технические науки. 2006. №13.

1-жадвал. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар захирасига номзодларнинг компетенциялари моделлари

№	Компетенция	Компетенциянинг психологик тавсифи
1 - гуруҳ. Касбий компетенциялар (фаолият)		
1	Касбий мулодот ва ўзаро таъсир	а) сұхбатдош томонидан бўладиган танқидга ва ифбо қилувчи хулқ-атворига реакция қилиш; б) илтимос билан мурожаат қилиш кўникмаси; в) илтимосга рад жавоби бера олиш, "йўқ" дея олиш кўникмаси; г) қўллаб-қувватлаш кўрсатиш ва қабул қилиш кўникмаси; д) бошқа одам билан контактга кира олиш кўникмаси
1 - гуруҳ. Касбий компетенциялар (салоҳият)		
2	Режалаштириш ва мақсад қўйиш	а) SMARTни билиш ва ўз ишида қўллаш кўникмаси; б) қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларни фарқлаш
2 - гуруҳ. Лидерлик (фаолият)		
3	Ўз ишини ва ходимлари ишини назорат қила олиш кўникмаси	Дастлабки, оралиқ ва якуний назорат қоидаларини ва мезонларини билиш
2 - гуруҳ. Лидерлик (салоҳият)		
4	Бошқарув қарорларини қабул қилиш	Қарор қабул қилиш ва гуруҳий муҳокамани ташкил этиш кўникмалари
3 - гуруҳ. Шахс сифатлари (фаолият)		
5	Меъёрга, интизомга йўналганлик. Ўз-ўзини бошқариш қобилияти	а) зарур мўлжалларнинг олдиндан мавжуд эмаслиги ёки уни топиб бўлмаслиги шароитида ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилишга тайёрлик, шунингдек ўз потенциалига таянишга тайёрлик; б) ноаниқлик ёки информация нотўлиқлиги шароитида қарор қабул қилишга тайёрлик; в) ўз-ўзини бошқаришга бўлган умумий қобилияти.
3 - гуруҳ. Шахс сифатлари (салоҳият)		
6	Тажрибага нисбатан очиқлик	Янги билимларни ўзлаширишга тайёрлик, янги фикрлар ва ғояларни идрок этиш қобилияти
4 - гуруҳ. Экстремал компетенциялар (салоҳият)		
7	Экстремал вазиятда оператив қарор қабул қилиш қобилияти	Натижага эришишга йўналганлик – назоратнинг интернал локуси
4 - гуруҳ. Экстремал компетенциялар (салоҳият)		
8	Экстремал вазиятда ўз зиммасига масъулиятни олишга тайёрлик	Лидер ролини ижро этиш ва командада ролларни тақсимлаш, назорат қилиш ва оператив ўзгартаришлар киритиш кўникмалари

Иккинчи жадвалда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар захирасига номзодлар компетенцияларини баҳолаш методлари келтирилган.

Кадрлар захирасига номзодларни таққослаш учун ягона баҳолаш шкаласини қўллаш талаб қилинади. Беш балли мактаб баҳолаши стереотипи таъсирини минималлаштириш учун 7 балли шкала қўлланилди:

1 балл – билади, лекин ушбу компетенцияни ўз ишида қўллай олмайди (паст даражаси);

2-3 балл – билади ва қўллай олади, лекин назоратга муҳтож (ўртадан паст);

4-5 балл – билади ҳамда самарали ва хатосиз қўллай олади (ўртадан юқори);

6-7 балл – билади, самарали ҳамда хатосиз қўллай олади ва бошқаларни ҳам ўргата олади (юқори даражаси).

Стандартлаштирилган методлар ёрдамида олинган бирламчи кўрсаткичлар ҳам 7 балли шкалага ўтказилди:

1 балл – компетенциянинг паст даражаси;

2-3 балл – компетенциянинг ўртадан паст даражаси;

4-5 балл – компетенциянинг ўртадан юқори даражаси;

6-7 балл – компетенциянинг юқори даражаси.

Натижада номзодларни таққослаш ва уларни кадрлар захирасининг 4 та гурухи бўйича тақсимлаш учун ягона шкалага эга бўлинди. Ушбу шкалани қўллашнинг афзаллиги унинг эксперт баҳолаш учун бир хил мазмунга эгалигидир. Аммо унинг яққол камчилиги компетенцияларнинг касбий фаолиятдаги муҳимлиги даражасига кўра уларни рангларга ажратишнинг мавжуд эмаслигидадир.

2-жадвал. Компетенцияларни баҳолаш методлари

№	Компетенция	Баҳолаш методлари:	
		стандартлаштирилмаган	стандартлаштирилган
1- гурух. Касбий компетенциялар (фаолият)			
1	Касбий мулоқот ва ўзаро таъсир	Номзодга раҳбари томонидан тавсиф берилши	Мидельсннинг "Коммуникатив малакалар" тести
1 - гурух. Касбий компетенциялар (салоҳият)			
2	Режалаш-тириш ва мақсад қўйиш	Сұхбатдаги саволлар: Охирги уч йилда қандай қисқа муддатли ва узоқ муддатли мақсадларни кўйдингиз ва уларга муваффақиятли эришдингиз?	SMART мезонлари бўйича мақсадларнинг мос келиши
2 - гурух. Лидерлик (фаолият)			
3	Ўзини ва ходимлари ишини назорат қила олиш кўнинмаси	Сұхбатдаги саволлар: Сиз ўз ишингизни назорат қилиш учун қўллайдиган мезонларни айтиб беринг. Сиз ходимларингиз ишини назорат қилиш учун қўллайдиган мезонларни айтиб беринг.	"Субъектив назорат дараҷаси" тести ("Иш юзасидан муносабатлар соҳасидаги интерналилк" шкаласи)
2 - гурух. Лидерлик (салоҳият)			
4	Бошқарув қарорларини қабул қилиш	"Мажлис" ишчанлик ўйини	Алан Роу методикаси (саволнома)
3 - гурух. Шахс сифатлари (фаолият)			
5	Меъёрга, интизомга йўналганлик. Ўз-ўзини бошқариш қобилияти	Номзодга раҳбари томонидан тавсиф берилши	"Рискка йўналганлик" саволномаси
3 - гурух. Шахс сифатлари (салоҳият)			
6	Тажрибага нисбатан очиқлик	Сұхбатдаги саволлар : Сиз қандай янги билимларни ўзлаштиришга интиласиз?	"Тажрибага нисбатан очиқлик" саволномаси
4 - гурух. Экстремал компетенциялар (фаолият)			
7	Экстремал вазиятда оператив қарор қабул қилиш қобилияти	Номзодга раҳбари томонидан тавсиф берилши	"Субъектив назорат дараҷаси" тести ("Умумий интерналилк шкаласи")
4 - гурух. Экстремал компетенциялар (салоҳият)			
8	Экстремал вазиятда ўз зиммасига масъулиятни олишга тайёрлик	"Мажлис" ишчанлик ўйини: иштирокчилар томонидан қайтарма алоқа	Белбиннинг "Командадаги роллар" сўровномаси

1-расм. Кадрлар захирасига номзодларни гуруҳларга тақсимлаш модели.

Компетенциялар дараҷаси	Гуруҳлар		
	Ўртачадан юқори	1) Устозлар гуруҳи	2) А тоифа кадрлар захираси – хизмат – лавозимида кўтарилишга тайёрлар
	Ўртачадан паст	4) Нисбий касбий яроқсиз номзодлар гуруҳи	3) Б тоифа кадрлар захираси – қўшимча ўқитиш талаб қилинади
	-	Ўртачадан паст	Ўртачадан юқори
	-	Касбий ривожланиш салоҳияти	

D. Кадрлар захираси гуруҳлари.

Биринчи расмда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси кадрлар захирасига номзодларни гуруҳлар бўйича тақсимлаш модели ифодаланган.

Хуносаси.

1. Давлат фуқаролик хизмати тизимида асосий бўғинлардан бири ҳисобланган кадрлар захирасини шакллантириш ва захирадаги номзодларнинг бошқарув касбий имкониятларини ривож-

лантириб бориш иши илмий асосланган тизими ёндашувни талаб этади.

2. Кадрлар захираси билан ишлашнинг таклиф этилаётган жаҳон илғор амалиётига таянилган ҳолда ишлаб чиқилган концептуал тизими асосида ишлаш давлат фуқаролик хизмати/прокуратура соҳаларида кадрлар, айниқса раҳбар кадрлар имкониятларини тўла рўёбга чиқариш ва натижада ташкилотда иш самарадорлигининг юқори даражасига эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5843 сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4472 сонли Қарори.
3. Барышникова И. Е. Профессиональная компетентность: виды, структура и современные подходы // Вестник ЛГУ им. А.С. Пушкина. 2012. № 3.
4. Бояцис Р. Компетентный менеджер /Р.Бояцис. -М.: HIPPO, 2008.
5. Емельянова О.В., Емельянов Ю.П. Акмеологический подход к подготовке управленических кадров (на примере Президентской программы подготовки управленических кадров) // Вестник КемГУ. 2015. № 4-2 (64).
6. Ерофеев А.К. Авторские технологии разработки моделей компетенций / А.К. Ерофеев, Т.Ю.Базаров // Организационная психология. - 2014. - Т.4, N4. С. 74-92.
7. Овчинников А.В. О классификации компетенций / А.В.Овчинников // Организационная психология. 2014. Т.4, N 4. - С.145-153.
8. Погорелов А.Г. Экстремальная компетентность в профессиональной деятельности // Известия ЮФУ. Технические науки. 2006. №13.
9. Половова И.Е. Компетентностный подход: разработка корпоративной модели компетентностей /И.Е.Половова. -М.:ГУ-ВШЭ, 2009.
10. Спенсер Л.М. Компетенции на работе. Модели максимальной эффективности на работе / Л.М.Спенсер, С.М.Спенсер; пер. с англ. - М.: HIPPO, 2005.